


Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси
томонидан 2022йил
«11» май да 25 сон билан
давлат рўхатига олинган

“PHILOSOPHY OF JUSTICE” нодавлат
таълим муассасининг
2022йил “29” с. № 16 қўлти
№ баённомаси билан тасдиқланган



**«PHILOSOPHY OF JUSTICE» ” НОДАВЛАТ
ТАЪЛИМ МУАССАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ
ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ
АРБИТРАЖ (ҲАКАМЛИК) СУДИНИНГ
ИШ ТАРТИБИ**

Самарқанд - 2022

«PHILOSOPHY OF JUSTICE» НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСИ ХУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖ (ХАКАМЛИК) СУДИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

1. «PHILOSOPHY OF JUSTICE» нодавлат таълим муассаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Халқаро тижорат Арбитраж (ҳакамлик) суди (кейинги ўринларда Ҳакамлик суди деб юритилади) уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси “Халқаро тижорат Арбитражи тўғрисида”ги қонун, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, мазкур ҳакамлик судининг Низоми, Регламент ва “Ҳакамлик судида тарафлар ҳакамлик йигими, харажатлари ва чикимлар тугрисидаги “Низом” асосида амалга оширилади.

2. Мазкур иш тартиби ҳакамлик суди ходимлари ва ҳакамчилик судьялари рўйхатига киритилган ҳакамлик судьялари учун мажбурийдир.

3. Ҳакамлик суди ишларни Ўзбекистон қонун ҳужжатлари ва/ёки тарафлар келишган бошқа давлатлар қонун ҳужжатлари, халқаро нормалар асосида тарафлар танлаган тилда (лозим бўлганда таржимон ёрдамида) хал қилади.

4. Суднинг ажримлари, қарорлари ва хал қилув қарорлари тарафлар танлаган тилда, башарти ҳакамлик судья (арбитр)ларининг ушбу тилнинг билиши даражаси йул қўйса қабул қилинади, акс холда судья (арбитр)лар биладиган тарафлар учун мақбул тилда қабул қилинади (ёзилади), ҳамда таржимон хизматлари ҳақи тўланган тақдирда тегишли тилга таржима қилиниб, тарафларга юборилади. Суднинг ажримлари, қарорлари ва хал қилув қарорларининг асли билан таржимаси фарқ қилган тақдирда асл нусхадаги матн устувор кучга эга бўлади.

5. Ишлар видеоконференция алоқа режимида кўрилиши мумкин.

6. Ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий мунособатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи низоларни хал этади.

7. Ҳакамлик суди раиси, раис ўринбосари, судьялар, котибият масъул котиби ёки котибидан иборат булади.

8. Ҳакамлик суди судьялари (арбитрлари) Ҳакамлик суди ёки Муассасанинг ходими ҳисобланишмайди (ходим судья (арбитр) бўлган холлар бундан мустасно), улар фақат муайян иш бўйича ишни хал этиш учун жалб қилинган ва судьялик (арбитлик) фаолияти учун (хатто Муассаса ходими бўлган тақдирда ҳам) иш ҳақиға тенглаштирилган даромад олмайдиган шахслар мақомида бўлишади. Муассаса раҳбари ҳакамлик судьялари, арбитражлар билан алоҳида шартнома тузади.

9. Ҳакамлик судининг ходимлари, котиблар, котибият масъул котиби меҳнат шартномаси асосида муассаса раҳбари томонидан ишга қабул қилинади.

10. Ҳакамлик суди раиси куйидаги ваколатларга эга:

- жамият бошқаруви қарорларини ижосини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур ҳакамлик суди Низоми ва Регламентига катъий риоя қилиш;
- ушбу Регламентда назарда тутилган холларда низо мазмунидан ташқари масалаларда ажрим чиқаради;
- ҳакамлик суди муҳокамасига топширилган барча ниллар бўйича ҳакамлик судьялари томонидан қабул қилинган ажрим ва қарорнинг нилҳақларини тасдиқлайди;
- Ишларни тақсимлаш ва ҳакамлик суди номидан судья(арбитр)ларни тайинлаш;



- суд муҳокамаси олиб бораётган ҳакамлик суди хайъати аъзоси булмаётган туриб, барча ҳакамлик муҳокамаларида иштирок этиш ва уларни ўтказилишини кузатиш;
- Ҳакамлик судида кўрилган ишлар юзасидан тарафлар томонидан берилган жиноят ҳақидаги хабарлар (уларнинг асосли бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлса), шунингдек, ҳакамлик судьялари (арбитрлари) томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ёхуд жиддий қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тегишли ҳудудий прокуратурага хабарнома, бошқа идораларга тақдимнома юбориш;
- ўз ваколатлари доирасида қарор, буйруқ ва ажримлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳакамлик суди раиси суднинг умумий раҳбарлигини амалга оширади, суд номидан ишончномасиз иш юритади, муассаса раҳбари томонидан муайян муддатга тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

11. Ҳакамлик суди раиси ўринбосари раис йўқлигида ёки фаолиятни алоҳида маълум бир ҳудудда амалга ошириш зиммасига юклатилган вақтда Ҳакамлик суди раиси ваколатларига эга бўлади, муассаса раҳбари томонидан муайян муддатга тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

12. Котибият ҳакамлик судида иш юритиш олиб бориш ва ташкиллаштириш, ҳакамлик муҳокамасини ташкиллаштириш бўйича вазифаларни бажаради, шунингдек:

- ҳужжатлар ва ишларни Ҳакамлик суди йиғилишига тайёрлаш;
- суд муҳокамалари хонасидан фойдаланиш вақтини белгилаш;
- Ҳакамлик суди томонидан қўрилган ишларни ва мурожаатларни ҳисобини олиб бориш;
- Ҳакамлик суди, Ҳакамлик судьялари, арбитраж ва ҳакамлик муҳокамаси томонлари ўртасидаги маълумотлар, ҳужжатлар ва ишларни алмаштиришни ташкиллаштириш;
- иш юритишни олиб бориш;
- ҳакамлик муҳокамаси ва Ҳакамлик суди таркиби йиғилишини ташкиллаштириш бўйича Ҳакамлик суди Раиси, раис ўринбосари ва Ҳакамлик судьяларини (арбитражларини) топшириқларини бажариш;
- ҳакамлик муҳокамаси баённомасини олиб бориш;
- ҳакамлик судига оид барча маълумотларни интернет сайтга жойлаштириш;
- ҳакамлик муҳокамасини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган Ҳакамлик суди Регламентида белгиланган бошқа ишларни бажариш;

Котибиятни муассаса раҳбари томонидан тайинладиган ва лавозимдан бушатиладиган масъул котиб бошқаради. У ҳакамлик суди фаолиятига оид ишларни олиб боради ва ташкиллаштиради.

13. Ҳакамлик суди котиби муассаса раҳбари томонидан муайян муддатга тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

14. Ҳакамлик суди раиси, раис ўринбосарининг лавозимидан озод этилиши уларнинг ҳакамлик суди судьялари мақомини йўқотилишига олиб келмайди.

15. Ҳакамлик судининг жойлашган манзили ва ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой - ҳакамлик суди биноси ҳисобланади.

Ҳакамлик суди ўз мажлисини қонунда таъинланмаган ҳар қандай ҳудудда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳам сайёр суд тартибда ўтказиши мумкин. Ҳакамлик суди жойлашган манзилдан бошқа жойда Ҳакамлик муҳокамаси



утказилишига Ҳакамлик суди раиси рухсати билан йул куйилади, ишлар сайёр тартибда ўтказилиши бундан мустасно.

16. Ҳакамлик ишини кўзгатувчи ва амалга оширувчи барча ҳужжатларни тарафларга етадиган нусхаларда олиши ёки нусха кўпайтириши, ҳакамлик судида камида бир нусхадан булиши лозим.

17. Ҳакамлик суди мумкин қадар қисқа муддатда бахслашувни куриб чиқилиши чорасини куради. Аниқ иш бўйича Ҳакамлик муҳокамаси Ҳакамлик (арбитраж)судининг таркиби ташкил этилган ёки яққа тартибда хал қилувчи судья (арбитр) сайланган ёки тайинланган кундан Ўзбекистон резидентлари билан боғлиқ ишлар (экспертиза ўтказиш муддати, медиатив тартиб таомилларини қуллаш муддати киритилмаган ҳолда) икки ойдан зиёд булмаган муддатда тамомланиши лозим. Бу муддат Ҳакамлик судининг Раиси ёки томонларнинг келишуви билан яна 2 ойгача узайтирилиши мумкин. Чет эл резидентлари билан боғлиқ ишлар (экспертиза ўтказиш муддати, медиатив тартиб таомилларини қуллаш муддати киритилмаган ҳолда) олти ойдан зиёд булмаган муддатда тамомланиши лозим. Бу муддат Ҳакамлик судининг Раиси ёки томонларнинг келишуви билан яна 6 ойгача узайтирилиши мумкин.

18. Ҳакамлик ишларини юритиш даъво ариза бериш билан кузгатилади. Даъвогар уз талабларини Ҳакамлик судига ёзма равишда бериладиган даъво аризасида баён этади. Мазкур Регламентда даъво аризаси унга илова қилинган барча ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда тушунилади.

19. Маъсул котиб даъво аризасини куриб чиқишга Ҳакамлик судининг ваколати бор йуклиги ва ушбу ҳакамлик суди Регламенти моддаларида даъво аризасига куйиладиган талабларга риоя қилганини, ҳакамлик йигими ҳисоби ва тулови тугрилигини текширади ҳамда текшириш натижалари ҳақида Ҳакамлик суди Раиси ёки уринбосарига маълум қилади.

20. Ҳакамлик судьяси ишни етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисига куришга тайинлаш туғрисида ажрим чиқаради. Тарафлар ва ҳакамлик муҳокамасига қумаклашувчи шахсларга ишни куриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда маълум қилинади.

21. Ҳакамлик судини таркибини шакллантириш Ҳакамлик судьяларини (ҳакамлик судьясини) сайлаш (тайинлаш) орқали амалга оширилади.

Ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари (арбитрлари) мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари (арбитрлари) руйхатига киритилган судьялар (арбитрлар) орасидан сайланади (тайинланади).

22. Ҳакамлик судининг маъсул ходими у ҳақда жавобгарни хабардор қилади ва унга даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни нусхаларини, агар унга уларни даъвогар жунатмаган бўлса, шунингдек судьялар руйхатини жунатади.

23. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди низони ёпик мажлисда куриб чиқади.

24. Ҳакамлик суди низони қисқа муддатларда куриб чиқиш чораларини амалга оширади.

25. Агар тарафлар бошқача келишилмаган бўлсалар унда Ҳакамлик суди муҳокамаси давлат тилида олиб борилади.

26. Агар тарафлар бошқа шартларда шартлашмаган бўлсалар Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси давомида келиб чиққан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш тушун тарафларнинг илтимосига кура ёки уз ташаббусига билан экспертиза тайинлайди.



27. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари экспертиза утказиш учун керак буладиган ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёки предметлар Ҳакамлик судининг талабига биноан тақдим этилади.

28. Ҳакамлик судининг ишни куриб чиқилишини уни шу суд мажлисида куриб чиқишни иложи бўлмаса, шу жумладан ишда катнашаётган бирон бирон шахсларни, гувоҳларни, экспертларни, таржимонларни келмаганлиги учун ёки қушимча далиллар тақдим этиш зарур бўлганда, кейинга қолдиради. Ишни куриб чиқишни кейинга қолдириш тугрисида ажрим чиқаради.

29. Ҳакамлик судида агар тарафлар бошқа шартлашмаган бўлсалар баённома юритилади.

30. Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилгандан сунг Ҳакамлик суди таркибига кирувчи Ҳакамлик судьялари (арбитрлари)нинг қупчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қилинади. Ҳал қилув қарори қабул қилинишида Ҳакамлик судьялари (арбитрлар)бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

31. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан қучга қиради. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилгандан кейин Ҳакамлик судининг узи уни бекор қилишга ёки узгартиришга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нухаси Ҳакамлик суди раиси ёки у бўлмаганида унинг уринбосари томонидан тасдиқланади ва қурилган ишлар ҳакамлик судида уч йил давомида сақланади.

32. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан уттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сураб ариза бериш йули билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкин.

33. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорда белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

34. Ҳакамлик судида иш фаолиятини доимий ташкил этилиши Ҳакамлик суди раиси, унинг уринбосари, қотиби ва ҳакамлик судьялари иш кунларини меҳнат қонунчилиги талаблари асосида белгилайди. Ҳакамлик судлари жамоатчилик асосида ишлаган ҳолда даъво аризаларини куриб чиқишлари мумкин.

